

Туйгу ифодаси бўлмиш шеърда яратилган давр кишисининг хиссиёти акс этади. Хозирги шеърларни туймок ва англамок учун миллатнинг айни дамдаги етакчи туйгуси нималигини билмок лозим бўлади. Синчилаб каралса, хозир миллат миёсида шиддат билан индивидуаллашиб, шахслашиб жараёни кечаётгани кўринади. Одамларда бошқаларга ўхшашдан кўра ўхшамасликка интилиш майли кучли. Жамиятдаги хар бир шахс ўзини излай бошлаганда шундай бўлади. Демак, бугунги шеъриятни хар бири – шахслашиб, алоҳидалашиб бораётган миллат кишиси рухиятининг ифодаси дейиш мумкин.

Оlam ходисалари каби одам туйгулари хам тинимсиз ўзгаришлар огушида. Интим туйгуларни яширмай ифодаласа-да, ижодий кредитосини очик айтавермайдиган шоир Абдулла Шер бир шеърида “Тўрт-беш сўзга бериб атай зеб, Гап тополмай, сизга айтарлик, “Шеър ёзаман ўзим учун”, – деб, Мен килмайман сохта камтарлик!” – дейди.

Шоир шеърхонни шунчаки бир истеъмолчи эмас, балки жонкуяр кисматдош, ижодкор шерик бўлишга чорлайди: “Сиз хам дадил Шеърга кўл беринг, Деразангиз чорласин ойни. Хаёлингиз билан тўлдиринг, Варагимда колган ок жойни”. Шеърият билан ороланган учкур хаёл кишини юксалтиради. Сохта кўтаринкиликтан холи, самимий бу сатрлар салмокли ижтимоий юк ташийди.

Чогдош ўзбек шеърияти ялтирок гоябозлик ва курук чакирикдан кутулиб бормокда. Бу хол катта авлодга мансуб шоирлар ижодини хам яшартиб, ингичкалаштираётир. Ойдин Хожиеванинг ўтган йилги шеърларида ташки дунёнинг холати эмас, балки шоира ички оламининг нозик ва ўзгарувчан манзаралари чизилади. Шоира теран мазмун билан биргаликда ифодалар инжалигига алоҳида эътибор каратмокда. “Манзара” шеъридаги: “Ковушчалар тўла кенг айвон Тунни хайдаб, туради ушлаб. Тун хонага киролмай хайрон, Сахаргача чалади хуштак”. Бу тўртликдаги хар бир сўз ўзига хос мажозий вазифа ташийди. Айвоннинг “ковушчалар тўла”лиги тасвири кўп болали ўзбек оиласини, айвоннинг тунни уйга киритмай, хайдаши хона ичидаги чирокдан бошка ёруглиги бўлмаган кишлок шароитини, туннинг сахаргача уйга киролмай, хуштак чалиши изиллаган киш изгириинини тайдиради. Айтмай билдириш усули шеърнинг таъсир кучини ошириб, унга самимият багишлигаран.

Мавжуд поэтик анъаналар соясида колиб кетмасликка уриниш замонавий шеъриятнинг етакчи хусусиятидир. Хозирги шоирлар бирор у ёкда турсин, хатто, ўзинида такрорлаб кўймасликка интилади. Усмон Кўчкор ўз шеърларида эскидан эскирок бўлган ишк туйгусини охорли ифодалайди:

Мен ишк деган кисматнинг огир

Кипригидан ёшга айландим.

Томчи-томчи томдиму охир,

Охир, гулим, тошга айландим.

Мен тош эдим, ўтлар – шарорлар

Ушатмади, ушатолмади.

Кузлар, кишлар, ёзлар, бахорлар

Юмшатмади, юмшатолмади.

Севгининг тошдай каттик юракнида юмшата оладиган кудрати шеърда: “Сен келдингу эврилди дунё” тарзида ифода этилади. Усмон шеърларидағи “Зорикар, зўрикар, чингиллар ёдим” ёхуд “Кахкана борлигин англади булут, Куёш борлигини англади олам.

Кўнгиллар англади дарднинг дардлигин... Огочлар англади гуллаш шартлигин, Кайтиш лозимлигин англади кушлар” каби жонўрттар сатрлар ўкирман туйгуларини тозалайди.

Эшкобил Шукур шеърларида хаёт чигаллигини англашга, кирланган дунёда кўнгилга дод туширмай яшашга интилиш туйгулари тасвирланади. “Камишзорда кечган тун” шеърида табиатни юрагига кўчирган шоир рухиятининг товланишлари жонли акс этган. Дастребки банднинг илк икки каторида ўкирман эътиборини тортиши зарур бўлган сўзлар алохиди мисрада кайтарилиши оркали табиатнинг жозибали тасвири берилади:

Камишзорда кечаётир тун,

Тун.

Ой нурида яркирайди кўл,

Кўл.

Банднинг кейинги старларида тасвир одамга кўчирилиб, табиат шахслантирилади:

Уватларга тўкилган шудринг –

Сен.

Камишзорни кесиб ўтган йўл –

Мен.

Ушбу шеър фидойи ошик холатининг самимий ифодаси эканидан ташкари, ички ва ташки, бирламчи ва иккиласми кофияга эгалиги билан ёдда колади.

Кўчкор Норкобилнинг кўнгил холатларини табиат манзарапарига сингдириб юборган шеърлари тобора ёлгизланиб бораётган замондошимиз рухиятининг бадиий ифодаси ўларок ижтимоий кимматга эга: “Сўнмаса бас калбинг шафкати, Гоҳо маъюс, гоҳо эркаман. Ёлгизликка йўқдир токатим, Ёлгизликдан, жоним, кўркаман” мисраларида шоир чогдошимизнинг ана шу туйгуларини акс эттирган.

Инсон рухиятидаги инжа холатларнинг ингичка тасвирини беришга мохир шоира Хосият Рустамова шеърларида кўнгил манзарапари воситали манзарапаштирилади.

Унинг “Хар тун кунларингни ёяман ювиб, Гунохкор бандадай эгилар симдор. Хеч кимса кўрмасдан колсайди куриб, Хеч кимса кўрмасдан кетсайди губор” сатрларида тўқис баҳтни якинлар ўртасидаги муносабатлар губорсизлигига кўрган аёл рухияти ифодаланади. Ёрнинг кунлари додли экани боис симдор эгилади. Энг якин кишисида додлар бўлмаслигини орзулаган шоира ўзбекнинг кизи сифатида бу додлар ўзгалар кўзига ташланмаслигини истайди.

Салим Ашур маснавий йўлидаги “Титрок” шеърида табиат ва рухиятдаги инжа титрамаларни акс эттиради: “Новдалар учida титрайди баҳор, Хавода титрайди энг охирги кор. Огочларда балккан рангларда титрок, Кайдадир капалак титрокка мушток. Сўқмоклар титрайди жон кирган каби, Титрайди сойларнинг сехрли лаби. Эй аёл, не учун жонинингда титрок, Нахот, шундай дамда сайр этасан ток?” Бу мисраларда тақдир томонидан титрокка йўликтirилган аёл ва бундан хайратга тушган шоир туйгулари акс этади.

Бу оламда тасаввур ва кайфиятгина хакикатдир. Кўнгли юксалган одамнинг кўзини чўл хам кувонтиради, гамга ботган кишининг кўзига чаман сахродай туюлади. Ибодат Ражабова онасидан айрилган оиладаги музтар кайфиятни шундай ифодалайди:

Дастурхоннинг бир чеккаси бўш

Бўм-бўш уйда хайрон туттарок.

Она, сизсиз отам ховлиси –

Ўртасидан йиртилган байрок.

Онасилик ўрни тўлмас мусибатдир. Шоира шундай холатга тушган шахс рухиятини

дастурхоннинг бўш чети, кераксизлигидан хайрон туттарок холати, киммати бутунлигига бўлган байрокнинг йиртилгани тасвири оркали нозик ифодалайди. Айтишдан кўра ишора килиш маъкул кўрилган “Кумбостида ўрик гуллади, Томлар ўсиб кетди бир кулоч” сатрлари кўкламда ўрик гуллаб, томлар устидаги майсалар авжланиб, кизгалдок гуркираши холатини тасаввурда жонлантиришга хизмат килади.

Шоира Жумагул Сувонова моҳият кўнгилда экани, оламни обод кўрмокчи бўлган одам дилни тозалashi зарурлигини:

Ноиложлик ичра илож кидириб,  
Кайта тўлдирмокчи бўламан дилни.

Бунинг учун аввал ювиб, тозалаб,  
Офтобда куритиш керак кўнгилни

тарзида акс эттиради. Моддийлашаётган рухият ифодаси бўлмиш бу сатрлар ўқирманни сергак торттиради.

Йўлдош Эшбек табиат ходисаларини жонлантирап экан, уларга шокир инсонга хос хусусиятлар бахш этади:

Ялпизлар пицири тараалар,  
тоглар бир кайрилиб кўяди.

Хавони охангдор арилар  
муаттар излар-ла бўяди.

Шоир шеърларидаги “Тоглар кўк когозга ўхшаб кўринар, лолалар эриган алвон бўёқдир. Арча тушаман деб, пастга уринар, дўпписин туширган момокаймокдир” ёки “Шамол соясига ўхшаган хаёл, тебратиб турари мудраган чолни. Анхор аста туртиб ўтади, хиёл ўзин тутиб кулган дол мажнунтолни” сатрларида табиат зиммасига одамга хос вазифа юкланди. Одамнинг табиатдай табиий бўлишини орзу килган Йўлдошнинг: “Осмон сигар кўнгилга кўнгилли бўлиб кетар” сингари кутилмаган ифодалари инсонни тоза ва кўнгилли кўриш иштиёки маҳсули сифатида ёдда колади.

Улкан шоиримиз Усмон Азим бир шеърида:

Чопар шамол товонлари хўл,  
Чопар шамол минг оёқ, минг кўл.

Силкинади хар дарахт, хар ўт,  
Бу тулпорга барибир ўнг-сўл.

Йўлсизлик хам унга йўлдир йўл,  
Йўколмаса басдир харакат.

тарзида шамолнинг гоят жонли тимсолини чизади. Лекин шоир учун шамолнинг холатини кўрсатишнинг ўзи максад эмас, балки барча эзгуликларнинг асоси харакатда эканини билдириш воситасидир.

Истаса, том интим туйгуларгода теран ижтимоий маънолар юклашга мохир Усмон Азим “Дунё тушунсин деб такрору такрор Узимнинг ролимни этаман ижро” тарзида ўзини жамият багрида кўришга махкум шахс сезимларини ифодалайди.

Икром Отамуроднинг шеърларида дунё моҳиятини англашга интилаётган шахс кўнгил кенгликларида зиддиятлар акс этади: “Дарёдай окар ичимда дард, Дард ичимда курир дарёдай”. Дарднинг окиши билан куриши холати маъно нуктаи назаридан бир-бирига канчалик зид бўлса, шу жараён туфайли тугилган оғрикларни ифодалашда шунчалик уйгундир. Байтнинг биринчи сатрида дарднинг кўлами, иккинчи сатрида шу дард берган азобнинг даражаси акс этади. Сўзнинг маъно товланишларини теран хис килган шоир зўриккан туйгуларнинг динамик харакатдаги жонли манзарасини чизади:

“Коядай ўсар ичимда дард, Дард ичимда чўкар коядай”. Шоир юракдаги дард хакида ўқирманга курук ахборот бериб колмай, “Дараҳтдай яшнар ичимда дард, Дард ичимда чирир дараҳтдай” шаклида дард чекаётган калб холатини кўрсатгани учун шеърхон муаллифнинг эмоционал шеригига айланади. Шеърдаги “ўсар”, “чўкар”, “яшнар”, “чирир” сўзлари ўзаро зидлаш маъносидан ташкари дардманд кўнгилнинг турли холатларини англатади.

Турсун Али шеърларига азалдан кўнгилда портлаш даражасида кечаетган экстремал холатларни кўрсатиш хос. Лекин унинг битикларидағи руҳий портлашлар тасвири ўзга шоирларнига сира ўхшамайди. Унинг битикларидағи портлашда ходиса бору шовкин йўқ. Турсун Алининг кўнгли товушсиз, хўрсиниб портлайди. Бу хол “Автопортретга чизгилар” шеърида: “Хали уйгонмасдан янгрок товушим, ичимда уйгонар хўрсиник. Уйгонар ичимда момакалдирок” тарзида ифодаланади. Турсун Али шеърларининг лирик қаҳрамони йўкни йўндиргувчи фаол шахс эмас. У – кўпроқ бардошли ўйлар сурувчи хаёл кишиси. Шоирнинг кўнгил холати “Ёмгир соясида кутяпман сени, бўшанган булутлар устимдан юзар. Теграмда саболар гирди капалак. ...Юрагимда бардош кўшиклар куйлар” сингари сатрларда ёркин намоён бўлади.

Ўзига хос шоир Азиз Саид кўп йиллик танаффусдан сўнг “Сувдаги излар” деб аталган шеърлар туркумини эълон килди. Туркумни композицион жихатдан миллий шеъриятимиздаги янгилик дейиш мумкин. Негаки, кофиясиз, факат тескари маъно ва ички мантикий охангга таянилган уч ёки тўрт каторлик шеърнинг илк икки ёхуд уч сатрида муайян бир холат ифодаланади, орадан бир сатр ташлаб битилган учинчи ёинки тўртинчи озод мисрада ўша холатни келтириб чикарган хаётий асос акс этади.

Сўзга айлана олмай кийналар

Рангли шарлар ичидағи

Нафасим

ёхуд

Туёк тозалаётган шаҳарлик аёл

Кўлларига ёпишиб колар

Олис яйловдаги майсалар саси.

Борликдан кўра йўкликка ёвукрок юрак титроклари ва кўнгил товланишлари колипга сигмайди. Ўзини тинимсиз текшириб, руҳиятидаги эврилишлар моҳиятини англашга уринаётган давр кишиси, айникса, ижодкор ўзи ва замондошларининг сувдаги мавж, кумдаги ёзув сингари нотургун ва ўзгарувчан кўнгил холатларини кутилмаган йўсинда ифодалашга уринадилар. Гўзал Бегим тўрт мактубдан иборат бир шеърини “Куммактублар” деб атабди. Гарчи, ўзгачаликнинг ўзи хам баъзан санъат даражасига кўтарилисада, бу шунчаки ўзгачарок кўриниш истаги эмас. Кумдаги иморат омонатлиги, ундаги тасвир лахзалик бўлгани каби куммактубларда хам одамнинг сония сайин ўзгариб турадиган, ўзга тугул, ўзи хам англаб етиши мушкул туйгулари акс этади. Шоира на бош харф ва на тиниш белгилари бор шеърида ўз сезимларини шундай ифодалайди:

югуриб югурап бўгзимда ховур  
санчилиб огрийди бармогимда баҳт  
ипак гулкосада ёвкур табассум  
огир хисларимга тўкилар  
бош чайкайди тасвирим  
согинч

Бу шеърни шунчаки ўкиган киши чигал руҳий холат ифодасини туя олмайди.

Муаллифга туйгудош бўлиб, эстетик истеъмолчидан ижодкор макомига юксала билган ўкирмангина бу мавхум тасвиirlар замиридаги конкрет холат ифодасини илгаши мумкин. Хабиб Абдуназар одамнинг хаёл илгамас сезимларини тасвиirlашга интилади. Унинг шеърлари хаёл ва кечинмаларнинг ўзи каби тинимсиз ўзгариб туради. Шоир бир шеърида тонг отиб, хаёлкаш тундан кундузга ўтиш холатини “Билдирмайин кирди тунга, Кундуз шомларга ботиб. Овчимиidi тун кўзи-ла Кўйди хаёлни отиб?” тарзида ифодалайди. Шоир назарида, хаёлдан айрилиш, хаётдан айрилишдай... Сезимлари чигал лирик каҳрамон рухий холатини Хабиб “Энди юрак юмшок хаво, Толиктирар юрак хам. Дилни эса тарқ этмади Чехралари очик гам” шаклида ифодалайди. Гамнинг очик чехрали экани ўкирманда унга некбин караш, гамсизликнинг ўзи гам деган туйгу пайдо килади.

Бехзод Фазлиддин куш каби эркин, нур сингари ёѓдули ва кўланкасиз хаётни “Узун орзу” килиб: “Бирдан канот ўсиб чикса елкамдан, Учсан, хаммасини унутсан, кетсан. Асар хам колмаса шум кўланкамдан, Армон етолмаган манзилга етсан”, - дейди. Шоир кирланган дунёнинг кўланкаси хам тегмайдиган покиза маъволарни орзулайди. Лекин у ломаконда эмас, эзгулашган, ўзганинг ўзгачалигидан малолланмайдиганлар орасида яшашни истаганидан: “Учишим хеч кимга келмаса малол”, - дейди. Бугунги шоирларни улкан ижтимоий муаммолардан кўра алохида бир одамнинг кечинмалари кўпроқ ўйлантиради. Замондош шоир ўкирманга ўгит бермайди, у инсонни яхширок тушуниш, туйиш йўлини излайди. Ўзгани ва оламни билиш ўзини танишдан бошлангани учун хам бугунги шоир учун Мусалламбону айтмокчи: “Энг катта муаммо – бу менинг ЎЗИМ!” Ўзини текшираётган, кўнгил холатларини илгамокчи бўлаётган ижодкорга ўзини кавлашириш билан овора деб карамаслик, унинг ўзлиги пучмокларида хамиша бошқалар хам борлигини хисобга олиш лозим.

Зебо Рахимова сўзга кўшимча маъно юклаб, мисраларда уни ўзгача товлантира билади. У: “Шодлик нуктасида учрашамиз биз, Гурбат кўчалари кимсасиз, гариб. Хаёт – кун кетидан кун тилаган киз, Бу умр узайиб борар кискариб” сатрларида ўтаётган умрнинг узайиши колаётган умрнинг кискариши эканини кутилмаган йўсинда акс эттиради.

Мехриноз Аббосова Яратганга астойдил интилиш одамга чексиз имкониятлар бериши, унга бўлган мухабbat олдида бошка ҳар кандай туйгу хечлигини “Одимласам факат Сенинг ёдинг-ла, Тикон хам янчилди гул каби юмшок” дейди. Бошка бир шеъридаги “Хузурлар бехузур килади мени, Нокулай бўламан кулайликлардан” сингари мисралар Мехринознинг олам ходисалари ва одам сезимларига ўзгача назарда карай олишини кўрсатади.

Тароватли шеър юкумли хамдир. Шу сабаб согинч туйгуси теран ифодаланган шеър ўкирман юрагини согинчдан орзиктиради: “Согиндим, онажон, согиндим бирам, Димокка урилган оккурай totin. Кўзимнинг олдидан кетмас сираям, Похол чайла, бола, ўрокчи хотин”. Акмал Сайиднинг “Согинч” шеърида акс этган бу манзара ёдга муҳрланиб колган, бири эсланганди иккинчиси “чакириладиган” хотиралардир. Шоирнинг: “Кампирнинг кўлида заранг таёги, Кошиб томга чикиб олар болалик!” сатрлари ўкирманга ўтмишдаги шўх болалигини эслатади.

Умумлаштириб айтганда, бултурги ўзбек шеърлариiga хос асосий хусусиятлар куйидагилардан иборат дейиш мумкин:

1. 2012 йилдаги шеърлар шахслашашётган ва шу сабаб ўзини танишга интилган замондош рухияти товланишларини кўрсатишга багишлиланган.
2. Бугунги ўзбек шеъриятида ўзидан коникмаганидан тафаккури ва рухияти

пучмокларини тинимсиз тафтиш килаётган кўнгил кишиси холатларини тасвирлаш устуворлик килади.

3. Замонавий шеъриятда ватан ва миллат тушунчаларига моддийдан кўра, кўпроқ маънавиятга доир рухоний туйгу сифатида ёндашиш етакчи.

4. Хозирги шеърларда йирик ижтимоий муаммолардан кўра алоҳида бир шахс тафаккури ва рухиятидаги муаммоларни тасвирлашга эътибор кучайган.

5. Бу шеъриятда чогдошларимиз тафаккури, рухияти ва амалларидаги умумий жихатлардан кўра, улардаги кайтарилмас ўзига хосликни кўрсатишга кўпроқ эътибор каратилган.